Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.) «Қизил байроқ» (1920—1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 52 (21. 171) 1992 йил 13 март, жума ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ХХРга ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 12 март куни Хитой Халқ Республикасига расмий ташриф буюриш учун жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида делегацияни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ЎзА).

Ўзбекистон—Хитой:

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ҲАМКОРЛИК

● 12 март куни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан РАТА—ТАСС махсус мухбирлари Пекиндан хабар бердилар:

Ёнига «Ўзбекистон» деб ёзилган қордек оппоқ ҳаво кемаси бугун Пекиннинг «Шоуду» аэропортига келиб қўнди. Бу самолётда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой пойтахтига келди.

Делегациямизнинг уч кунлик сафаридан мақсад— икки давлатнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлигида янги саҳифа очишдир, — деди аэропортда мухбирларимизга Ўзбекистон Президенти. Биз Хитойдан кўп жиҳатдан ибрат олсак арзийди. ХХРда бўлган вақтимизда элчихоналар очиш тўғрисида келишиб оламиз, иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асослари тўғрисидаги меморандумни, шунингдек, транспорт, коммуникациялар, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар масалалари юзасидан бир қанча ҳужжатларни ҳам имзолаймиз.

Ўзбек халқининг, деди сўнгра Ислом Каримов, Хитой халқига самимий дўстлик туйғулари ва иззат-ҳурмати баланддир. Эҳтимол, биз Хитойга ташриф буюриш ва бу ерда элчихона очиш борасида бироз кечиккандирмиз. Айни вақтда Хитой Ўзбекистонни биринчилар қаторида мустақил давлат сифатида тан олгани ҳамда у биз билан дипломатия муносабатлари ўрнатишга тайёрлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни йўлга қўйишга шайлигини изҳор этгани учун ХХР раҳбариятидан миннатдормиз.

Хитой — буюк давлат, Хитой халқи қадимий маданият ва тарихга эга. Бизни ХХР билан жуда кўп жиҳатлар боғлаб туради. Шарқ билан Ғарбни боғлаган қадимги «Ипак йўли» ана шундай мисоллардан биридир. Биз ана шу қадимий йўлнинг яна гавжум бўлиб, янгича мазмун касб этишини истаймиз.

Ўзбекистон Президенти ва унинг ҳамроҳлари аэропортдан фахрий меҳмонларнинг Дяоюйтай деб аталган қароргоҳига йўл олишди. Бугун кечқурун Халқ мажлислари уйида Ўзбекистон давлати бошлиғининг ХХР Раиси Ян Шанкунь билан тантанали учрашув маросими бўлади.

ҚЎШМА КОРХОНА ШАРТНОМАСИ

● «Узтрансуслуги» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Хитойдаги Цзилин халқаро ҳамкорлик бирлашмаси совет ва хорижий транспорт техникасини тузиш, ундан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича қўшма корхона барпо этиш ҳақида келишиб олдилар. Ўзбекистон-Хитой бу қўшма корхонаси Чаньчунь шаҳрида жойлашади.

Корхонанинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун қўшма сармоя вужудга келтирилади. Келишувга мувофиқ республикамиз автотранспортчиларининг улуши ярим миллион сўм, Хитой томонининг улуши 150 минг доллар бўлади.

Ўзбекистон автомобилчилари Хитой Халқ Республикаси аэрокосмик саноати вазирлигининг «Катик» Хитой экспорт-импорт фирмаси билан ҳам қўшма транспорт савдо корхонаси барпо этиш тўғрисида шартнома туздилар. Бу корхона Ўзбекистондан Хитойга ва Хитойдан Ўзбекистонга юк ташиш, иккала мамлакат ҳудудида техникани ремонт қилиш ва унга хизмат кўрсатиш, шунингдек тижорат фаолияти билан шуғулланади.

(ЎзА мухбири).

МИЛЛИЙ КОМИТЕТ ТУЗИЛМОҚДА

● Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ишлари Миллий комитети тузилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар боғлаш Ўзбекистон жамияти ҳамда Ўзбекистон Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти унинг муассислари бўлишди.

Таъсис конференциясини ўтказиш ташкилий комитети мазкур комитетнинг Низоми ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқди.

ЮНЕСКОнинг мақсади маориф, илм-фан ва маданият соҳаларида халқаро ҳамкорликка ёрдам кўрсатиш, маданий ва илмий ахборотларни тарқатиш, маориф соҳасида камситишларга қарши кураш, миллий маданиятларни ҳимоя қилиш ва шу кабилардан иборат.

Миллий комитет тузилиши республикамизга ЮНЕСКО ўтказаётган тадбирларда кенг иштирок этиш имкониятини яратади, бутун дунёда Ўзбекистон халқларининг бой маданий меросини, улкан маданият ёдгорликлари, қадимий қўлёзмаларини тарғиб қилиб, халқаро жамоатчилик эътиборини уларни асрашга ундашга ёрдам беради. Ҳозирда Ичон қалъа очиқ музейи ЮНЕСКО томонидан муҳофаза қилинаётган шаҳарлар таркибига кирган. Қадимий Бухоро ва Самарқандни унинг ҳимоясига олиниши билан боғлиқ масала ҳал этиляпти.

Таъсис конференциясини 17 март куни ўтказишга қарор қилинди.

(ЎзА).

УЧРАШУВ ОЛДИДАН

● МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг 20 март куни ўтказиладиган учрашувида Украина Қора денгиз флоти кемаларининг 80 фоизи унинг ихтиёрига ўтказилишини талаб қилмоқчи бўлиб турибди.

Қора денгиз флотининг қўмондони адмирал Игорь Касатонов Италияда чиқадиган «Стампа» рўзномасининг мухбири билан суҳбатда МДҲ эса Украина ихтиёрига Қора денгиз флоти кемаларининг тахминан 20 фоизини ажратиб беришни таклиф қилмоқда, деди у. Республика ҳарбий денгиз флоти олдига қўйилаётган вазифаларни бажариш учун мана шунча кема етарли бўлади, зеро республика раҳбарлари Украина флоти тажовузкорлик тусида бўлмаслигини ва ядро қуроли ишлатишдан воз кечишини таъкидламоқдалар.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ РЕЖАСИ

● Сенатор Эдвард Кеннединнинг матбуот шўъбасидан РАТА—ТАСС мухбирига шу хабарни айтишди: собиқ СССР Президенти Михаил Горбачев шу йилнинг май ойида АҚШга хусусий ташриф билан келади.

Бостон шаҳрида Жон Кеннеди номли президент кутубхонаси жойлашган. Сенатор собиқ совет раҳбаридан бу ерга келиш хусусидаги таклифга ижобий жавоб олган эди. Бу ерда М. Горбачев бошқарув мактабида маъруза қилади.

Ташриф давомида М. Горбачев АҚШнинг собиқ президентлари билан учрашади. Р. Рейган ва Ж. Картер билан учрашгач, у Нью-Йорк ва Чикагода ҳам тўхтаб ўтади.

ХАБАР РАД ЭТИЛДИ

● Туркия ташқи ишлар вазирлиги «Правда» рўзномасининг хабарини рад этди. Бу рўзнома гўё турк қўшинлари Арманистон чегарасига тўпланмоқда, деб ёзган.

Мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги баёнот қабул қилди. Унда рўзнома хабари бутунлай асоссиздир, дейилади. Туркия ўзининг биронбир бўлинмасини Арманистон чегарасига олиб бориб қўйгани йўқ, деб таъкидланади.

УЧРАШУВГА ТАКЛИФ

● Ливан ташқи ишлар вазири Фарис Буэйз Исроил билан Вашингтонда ўтказилаётган музокараларда араблар томонидан иштирок этаётган вакилларнинг тўрт томонлама учрашуви Байрутда ўтказилишини таклиф қилди.

Бу учрашувда Сурия, Ливан, Иордания, Фаластин озодлик ташкилоти вакиллари қатнашиши лозим. Бу учрашув шу ой охирига тайинланди.

ТАШВИШ БИЛДИРИЛДИ

● Эрон ташқи ишлар вазирлигининг Франс Пресс ахборот бошқармаси орқали баёнот тарқатилди.

Унда айтилишича, Эрон Тоғли Қорабоғдаги можаро авж олаётганлиги хусусида қаттиқ ташвиш билдиради.

Тоғли Қорабоғда давом этаётган тўқнашувлардан «иккала томоннинг бironтаси ҳам манфаатдор эмас. Уни бартараф этиш йўлида куч-ғайратни давом эттириш зарур», дейилади баёнотда.

(Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида тайёрланди).

14 МАРТ КУНИ УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

ЯКДИЛЛИК

Наврўз байрами шарафига 14 март куни ўтказиладиган шанбаликда корхонамизнинг бутун жамоаси сингари бизнинг тикувчилик цехимиз ишчи-мутахассислари ҳам якдиллик билан қатнашишга аҳд қилдилар.

Бу йил маҳсулотларнинг янгидан тўртта хилини тайёрлаш ўзлаштирилганди. Шанбалик куни ана шу маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Аксарият ишчилар ўз станокларида меҳнат қилиб, режага қўшимча маҳсулот тайёрлашни мўлжаллаб қўйишди.

Фабрика хизматчилари эса корхона ҳовлисини турли чиқиндилардан тозалаб, ободонлаштириш ишларида фаол қатнашадилар. Бир гуруҳ ишчилар гул ва мевали дарахт кўчатлари ўтказиш билан банд бўладилар.

М. АБДУРАҲИМОВА,
Андижон трикотаж фабрикаси тикувчилик цехи бошлиғи.

Қарши шаҳридаги 10-дон маҳсулотлари комбинати жамоаси бир кеча-кундузда 14 хилдаги 400 тонна аралаш, озуқа маҳсулотлар тайёрлаб, 500 тонна ғалланн ун қилиб бермоқда. Уларнинг ҳаммаси олий навли. «Ана шу ун Наврўз шарафига ўтказиладиган шанбалик қатнашчиларн дастурхонига ҳам қут-барака киритади», дейишмоқда комбинат ишчи-мутахассислари.

Суратда: корхонанинг илғор ишчиси Шавкат Қосимов.

Суратқаш В. МОЛГАЧЕВ.

ҲАММАСИ ОДАМЛАР УЧУН

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ленин район кенгаши миллий байрамимиз Наврўзга ва унинг арафасида ўтадиган умумхалқ ҳашарига алоҳида тайёргарлик кўраётир. Бу ҳақда ХДП район кенгаши биринчи котиби З. Асадов мухбиримизга сўзлаб берди.

— Аввало шуни айтиш керакки, халқ депутатлари район кенгаши ҳайъати қарорига биноан районда ўз-ўзини жамоатчилик асосида бошқарувчи ҳудудий қўмиталар тузилди. Улар учун уй-жойга яроқсиз иморатлардан тегишли хоналар ажратилди. Ҳудудий қўмиталар билан бирга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг округ ҳудудий ташкилотлари ҳам тузилди, ижроия бюролари ва уларнинг котиблари сайланди.

Районда умумхалқ байрами Наврўзга қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Бунга районимиз ҳудудида жойлашган йирик корхоналарнинг раҳбарлари ва партия ташкилотларининг котиблари яқиндан ёрдам бермоқдалар. «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Алимбоев, «Фотон» бирлашмаси партия ташкилоти котиби У. Худойберганов ва бошқаларнинг бу борада қилаётган ғамхўрлиги ва ёрдами диққатга сазовордир.

Биз Наврўз байрами арафасида район ҳудудида истиқомат қилаётган ва фаол ишлаётган фахрийлар билан бир неча бор мулоқотда бўлдик. 20 февралда район фахрийлари учун Ўзбекистон халқ артистлари, истеъдодли санъаткорлар жозибали қўшиқ куйладилар. 8 мартда эса «Нуроний» чойхонасида 100 кишилик зиёфат уюштирилди.

Бундай хайрли ишларимиз кундан-кунга ортиб бораётир. Наврўз арафасида бўладиган ҳайрия ҳашарида районнинг ҳар бир меҳнат аҳли ўз ҳиссасини қўшишга аҳд қилишган. Худди шу куни «Нуроний» чойхонасида 100 кишилик фахрийларга совғалар бериш ниятидамиз.

14 март куни бўладиган шанбаликда районимиз меҳнат аҳли алоҳида тайёргарлик кўрмоқда. Шу куни ҳар бир ташкилот, муассаса, корхона, мактаб ва олий ўқув юртларида мевали ва манзарали дарахтларни ўтказиш авж олади. Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида ҳар биримиз фаол иштирок этишга киришганмиз.

Биз Ўзбекистон «Меҳр-мурувват ва саломатлик» жамғармаси билан ҳамкорликда Алишер Навоий номидаги опера ва балет Катта театри атрофида ногиронлар ва меҳнат фахрийлари учун энг арзон нархларда кийим-кечаклар сотишни йўлга қўймоқчимиз. Ўзбекистон ойнаи жаҳони орқали бўладиган телемарафонга эса район кенгаши аппарати ходимлари бир кунлик маошини ўтказдилар.

МАҲАЛЛАДА ШОДИЁНА

● Шу кунларда Андижон вилояти хўжаликлари, ташкилотлари ва маҳалла-кўйларда Наврўз базмлари ўтмоқда.

Андижон шаҳридаги «Бирлик» маҳаллаасида шундай шодиёна айниқса кўнгилли ўтди. Карнай-сурнай садоларн янгради. Маҳалланинг ёшу қариси дастурхонга таклиф этилиб, сумалак, кўк чучвара, кўк манти, кўк сомса ва бошқа лаззатли таомлар тортилди.

Йиғилганлар шу маҳаллада яшаган эътиборли кишилар номини ҳурмат билан эсга олдилар. Базмга келолмаган кўп болали оналар, ногиронлар, қаровчисиз бева-бечораларнинг уйларига, 13-интернат болаларига сумалак элтиб берилди. Й. Охунбобоев номли вилоят драма театри санъаткорлари ва шаҳардаги 8-мактабнинг «Қалдирғоч» ансамбли байрамга файз киритди.

Вилоятда 14 март куни бўладиган хайрия ҳашарига ҳам тараддуд кўрилмоқда.

(ЎзА мухбири).

ЭЗГУ МАҚСАД

● Жанубий Орол балиқчилари кейинги 2—3 йилдан бери Наврўз байрамини оммавий сайл сифатида нишонламоқдалар. Бу йилги Наврўзни ўтган йиллардагидан ҳам яхшироқ ўтказиш тараддудини кўряпмиз.

14 март куни бизда ҳам умумхалқ ҳайрия ҳашари ўтказилади. Ободонлаштириш, кўчат ўтқазиш ва бошқа хайрли ишларга катта эътибор берамиз. Умумхалқ ҳашарида меҳнат қилиниб топилган маблағ «Наврўз» ҳайрия жамғармасига топширилади. Район кенгаши, Ўзбекистон Халқ демократик партияси район кенгаши ва бошланғич ташкилотлар унга пухта тайёрланаётиблар.

Хайрия ҳашарини қанчалик пухта ва уюшқоқлик билан ўтказсак, Наврўз байрамини ҳам кенг миқёсда нишонлаш ҳар бир жамоа, ҳар бир кишининг эзгу мақсадидир.

Мўйноқ консерва комбинатида, мўйна ўстирадиган саноат хўжалиги ва бошқа корхоналар, давлат ва жамоа хўжаликларида Наврўз байрами оммавий сайлга айланади. Байрам дастурхонига гўжа, балиқ қарма (балиқ ва оқ жўхори унидан тайёрланади), булардан ташқари балиқлардан турли миллий таомлар тайёрланади. Сайл қатнашчиларига йўқолиб кетаётган миллий халқ ўйинлари кўрсатилади. От чопиш, улоқ, қиз қувиш, полвонлар кураши ташкил этилади, мусобақалар ўтказилади.

Район марказидаги стадионда, Мўйноқ давлат хўжалиги ипподромида ўтовлар қурилади. Яхши безалган улмеҳри аравалар намойиш этилади. Оғизда чалинадиган чанг куйлари томошабинлар кўнглини шод қилади.

Т. КЕРИМЗАТОВ,
Мўйноқ район кенгаши раиси.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ МИНБАРИ

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Бухоро вилоят ҳокими ва ҳокимияти ХДП Кенгаши билан биргаликда иш олиб бормоқда

Д. ЕДГОРОВ,

Бухоро вилояти Ҳокими, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ижроия бюросининг аъзоси.

● МУАЛЛИФНИ ТАНИШТИРАМИЗ: Дамир Солиҳович Ёдгоров 55 йиллик умрининг асосий қисмини партия, совет ва хўжалик ишларига бағишлаган. 60-70-йилларда Бухоро вилояти партия қўмитасининг қишлоқ хўжалик бўлими инструктори, шу бўлим мудири, ушбу тармоқ билан шуғулланувчи котиби бўлиб ишлади. Кейинчалик «Главсредазирсовхозстрой», «Қарақалпақирсовхозстрой» бошқармаларига раҳбарлик лавозимларига кўтарилди. Қарийб тўрт йил Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг раиси бўлиб, 1988 йилдан 1991 йилгача Бухоро вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлади. 1990 йилда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси этиб сайланган эди. Ҳозир шу вилоят ҳокими, ХДП вилоят кенгаши ижроия бюросининг аъзоси.

Кўп йиллик меҳнат фаолиятим давомида шунга ишонч ҳосил қилдимки, партия ташкилоти ҳокимият ва бошқарув органлари билан яқин ҳамкорлик қилса, ўз олдига қўйган мақсадларига эришуви шунчалик осон бўлади. Қарор топган шундай ҳамкорлик, халқ ноиблари, раҳбарларимиз, энг муҳими халқимизнинг биргаликдаги куч-ғайрати туфайли сўнгги йилларда юз бераётган қийинчиликларга қарамай воҳа иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётида бир қанча ижобий ўзгаришлар бўлди. Вилоят деҳқонлари қаторасига тўрт йилдан буён пахта тайёрлаш йиллик режасини ошириб уддалаб, ҳосилдорлик бўйича республикада биринчи ўринга чиқдилар. Пиллачиликда рекорд кўрсаткичларга эришилмоқда. Бухоро вилояти республикада фермерлик ҳаракатининг ташаббускори бўлди.

Илгари фақат зарар билан ишлаётган Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, Ўрта Осиёдаги энг йирик ва илғор корхоналардан бирига айлантирилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баравар кўпайди. Греция, Ҳиндистон, Италия, Исроил ва бошқа мамлакатлар билан қўшма корхоналар ташкил этилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимоя этиш чоралари кўрилмоқда. Томорқаларни кенгайтириш, шахсий уй-жой қурилиши, қишлоқларни газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш, аҳоли чорвасига озуқа етказиб бериш ва бошқа соҳалар бўйича Республика Президенти Фармонлари вилоятда изчиллик билан бажариляпти.

Саксондан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган вилоятимизда миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, меҳнаткашларни байналмилал руҳда тарбиялаш, миллий қадриятларни қарор топтириш борасида ҳам бир қатор ижобий ўзгаришларга эришилди.

Бу муваффақиятларнинг таъминланишида вилоят партия ташкилоти ва халқ ноиблари вилоят Кенгаши, унинг ижроия қўмитаси биргаликда тайёрлаган мақсадли комплекс дастурларнинг ҳаётга жорий этилгани ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Меҳнат аҳли ва ҳар бир оиланинг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъий назар моддий ва маънавий баркамол ҳаёт кечириши учун тенг имконият яратиш, кишиларнинг конституцион ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликларини кафолатлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини, тинч ҳаёт кечиришини ишончли ҳимоя қилиш сиёсати ва кундалик фаолиятининг олий мақсади деб билган парламент шаклидаги янги сиёсий ташкилот — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ташкил топиши тарихий зарурат бўлди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига кириш учун қайта рўйхатдан ўтган коммунистлар, илгари ҳеч қандай партияда бўлмай янги сиёсий ташкилот аъзолари сафига кириш учун ариза берган кишиларнинг сони тобора ортиб боряпти. Халқ ноиблари вилоят Кенгашининг раиси сифатида депутатлар, раҳбарлар билан суҳбатлашганимда янги партиянинг Дастури ва Низомида илгари сурилган ғояларни кенг тарғиб этдим, ҳозир ҳам тарғиб этяпман. Бу ишда халқ депутатлари, қишлоқ, шаҳар ва район кенгашлари раҳбарларининг ҳам ёрдами катта.

Халқ ноиблари орасида олиб борилган иш ўз самарасини кўрсатди. Турли даражадаги Кенгашларнинг 5094 нафар ноибларидан 2320 киши ёки уларнинг қарийб 50 фоизи Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига ўтди. Вилоят Кенгаши депутатларининг қарийб 70 фоизи, Ўзбекистон халқ депутатларининг 83 фоизи ХДП аъзоси бўлгани янги сиёсий ташкилот нуфузи юксаклигидан далолат беради.

Айни пайтда парламент ва ҳокимият органларида ХДП аъзолари бўлган ноибларнинг кўпчиликни ташкил этгани бу партиянинг қонунчилик ташаббусидан кенг фойдаланиши, ўзининг дастурий мақсадларига эришуви, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиши учун катта имкониятлар яратади. Бу имкониятлардан тўғри фойдаланаётган Ўзбекистон Республикаси халқ ноибларидан Шавкат Иброҳимов, Шариф Ҳайруллаев, Саида Жўраева, вилоят Кенгаши ноибларидан Абдулла Музаффаров, Малика Воҳидова, Соня Қодирова ва бошқалар ҳар бир сессияда фаол иштирок этиб, янгидан-янги таклифлар билан чиқмоқдалар. Уларнинг сайловчилар наказларини бажариш, доимий комиссиялар ишини ташкил этиш борасидаги фаолияти кўпчиликка ўрнак бўлмоқда.

Партия аъзолари бўлган халқ ноибларининг ташаббускорлиги ва жонкуярлиги туфайли вилоят Кенгаши сессияларида, доимий комиссиялар йиғилишларида шу куннинг энг муҳим масалалари муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинмоқда. Чунончи эркин нархларга ўтилиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя этиш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида истеъмол бозорини барқарорлаштириш чоралари, Республика Президентининг ижтимоий масалалар бўйича чиқарган фармонларининг ижроси каби мавзулар шулар жумласидандир. ХДП аъзолари бўлган халқ ноиблари доимий комиссиялар ишини ташкил этишнинг турли хил усулларини қўлламоқдалар. Чунончи комиссияларнинг қўшма ва сайёр йиғилишлари, аҳоли истиқомат жойларида давра суҳбатлари ўтказиш, ХДП аъзолари бўлган ноибларнинг партия ташкилотларидаги ҳисоботларини тинглаш шулар жумласидандир.

Вилоятимизда халқ ноиблари барча даражадаги Кенгашларида ХДП аъзолари бўлган депутатларнинг гуруҳлари ташкил этилди ва уларнинг иш режасида партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш тадбирлари белгиланди. Яна шуниси ҳам қувончлики, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашида ноиблик қабулхонаси ташкил этилди. Эндиликда партия аъзолари бўлган ноиблар бу ерда аҳолини қабул қилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий ёрдам ва ҳимоя масалаларида фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатдилар. Ишончимиз комилки, ишнинг бундай усули партия ташкилоти ва вилоят ҳокимияти ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш билан бирга турли масалаларни ижобий ҳал этиш, кўпгина идораларга келаётган шикоятлар сонини қисқартириш имконини беради.

Партия ва ҳокимият органларининг яқин ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва жумҳурият мустақиллиги умумхалқ референдуми чоғида яққол намоён бўлди. Бу Президент сайлови кўппартиялилик шароитида ва муқобил номзодлар асосида ўтказилгани боисидан ҳокимият органлари сайловлар чоғида қонунга асосан бетараф позицияда туришга, ҳар иккала, номзодга ҳам бир хил шарт-шароитларни вужудга келтиришга ҳаракат қилдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси раиси И. А. Каримовнинг умумхалқ сайлови йўли билан Республика Президенти қилиб сайланишида ушбу партиянинг вилоятимиз шаҳар ва район кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлари, ХДП аъзолари бўлган халқ ноиблари олиб борган ташкилий-сиёсий ва мафкуравий ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Партиямиз номзоди президентлик сайловида ғалаба қозонган бўлса ҳам биз бу натижалардан хотиржамликка берилмай, сайлов натижаларини ХДП вилоят кенгашининг ижроия бюросида, халқ ноиблари вилоят Кенгаши раёсати йиғилишида чуқур ва ҳар томонлама муҳокама этиб, бу сиёсий кампания даврида йўл қўйган хатоларимизни синчковлик билан таҳлил қилдик. Менинг ўзим, партия вилоят кенгаши ижроия бюросининг аъзоси сифатида сайловда номзодимиз вилоят даражасидан кам овоз олган жойларда бўлиб, раҳбарлар, оддий сайловчилар билан учрашдим, бу ерлардаги сиёсий ва ижтимоий вазиятни ўргандим. Олот ва Қорақўл районларидаги айрим хўжаликларда ижтимоий муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилмагани, савдо хизматидаги тартибсизликлар, тақчил молларни тарқатишда йўл қўйилаётганнинг барчаси идорадаги ёзувчизувларни йиғиштириб қўйиб, ҳафтада бир-икки марта районга чиқадилар. Улар шу куни ишлаб чиқариш ва худудий принциплар асосида ташкил этилган бошланғич ташкилотларда бўлиб, ташкилот котибларига амалий ёрдам кўрсатадилар, партия аъзолари билан ҳамсуҳбат бўладилар, аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб берадилар, социологик сўровлар ўтказадилар, ижтимоий муаммоларнинг қандай ҳал этилаётганини кўздан кечирадилар. Бундай ташрифларнинг якуни ХДП район кенгашида шу район ҳокими, хўжалик раҳбарлари ва халқ ноиблари иштирокида муҳокама этилаяпти ва ҳозиргача ечилмаган муаммоларни бартараф қилиш тадбирлари белгиланмоқда. Вилоят ташкилотларига боғлиқ масалалар юзасидан эса ҳокимиятга ахборотнома тақдим қилинаётир. Кенгаш ходимлари ҳозиргача Олот, Қорақўл, Шофиркон, Ғиждувон районларида ана шундай тадбирларни ўтказдилар.

Мен вилоят ҳокими сифатида «Республиканинг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунга асосан шаҳар ва районларнинг ҳокимларини тайинлаганимда ХДП ташкилотларига яқиндан суяниб иш кўрдим. Чунки партия кенгашлари бошланғич ташкилотларнинг, аҳолининг таклифларини инобатга олиб, бу лавозимларга энг муносиб кадрларни тавсия қилдилар. Шаҳар ва район сессияларида навқирон партиянинг ноиблик гуруҳи томонидан қўллаб-қувватланган ҳамда якдиллик билан сайланган ҳокимларнинг барчаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси экани, бу сиёсий партиянинг республика ва вилоят ижтимоий ҳаётида катта ўрин эгаллаётганидан, унинг обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан далолат бермоқда.

Вилоят ҳокимияти ва бошқарув органлари кўпгина тадбирларни ХДП кенгашлари билан ҳамкорликда ўтказмоқда. Чунончи, яқинда вилоят ҳокимияти партия кенгаши билан биргаликда Наврўз байрамини кенг нишонлаш режасини белгилаб чиқди. Шунингдек бу тадбирда Ёшлар Иттифоқи, Меҳр-шафқат, Болалар жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳам иштирок этадилар.

Халқ демократик партиясининг мулкий жиҳатдан Ўзбекистон Компартияси вориси экани қонуний йўл билан эълон қилинганини яхши англамаган баъзи ҳокимият ва бошқарув органларининг партия ташкилотлари билан муносабати кўнгилдагидек эмаслигини кўпчилик яхши билади. Аммо биз бундай тушунмовчиликларга ва кўнгилхираликларга сира йўл қўймаймиз. Жамоат ташкилотлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ собиқ Компартиянинг барча мулки ХДП тасарруфида бўлиши керак. Шунинг учун ҳам вилоятимизнинг ҳокимият органлари бу мулкнинг талон-торож бўлмаслиги учун зарур чора-тадбирларни кўрдилар.

ХДП вилоят кенгашининг 16 кишидан иборат аппаратига 12 қаватли улкан бинони сақлаш, унинг коммуникация тармоқлари нормал ишлашини таъминлаш ғоят мушкул эканлигини ҳисобга олиб, партия раҳбарлари билан келишилган ҳолда собиқ вилоят партия қўмитасининг биносини ҳокимият идораси учун сотиб олишга аҳдлашди. Айни пайтда ХДП вилоят кенгаши учун барча қулайликларга эга бино — Бухоро шаҳар ижроия қўмитасининг аввалги биноси ажратилди. Ортиқча енгил машиналар, мебел ва бошқа жиҳозларни сотиб олиш, ижарага бериш нархини белгиланганда «Партия мулкининг бир қисмини халқ хўжалигига бериш бўйича Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши комиссиясининг таклифлари тўғрисида» Марказий Кенгашнинг Сиёсий Ижроия қўмитаси қабул қилган қарорга риоя этилди. Бу тадбирлар ҳокимият ва бошқарув органлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан бирга янги партиянинг молиявий аҳволини яхшилаш имконини ҳам беради.

Хуллас, ҳокимият ва бошқарув органларининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари билан ҳамкорлиги умумий мақсадларга — республикамиз чинакам мустақиллигини таъминлашга, иқтисодиётни танг ҳолатидан олиб чиқишга, бозор иқтисодиёти ва эркин нархлар шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя этиш, жамиятни маънавий ва аҳлоқий жиҳатдан янгилаш ва бошқа мақсадларга хизмат қилмоқда. Бу ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб, янада ривож топишига ишонамиз.

• ХДП ҳаётидан

ҲАҚИҚАТ БАҲСДА ТУҒИЛАДИ

Яқинда Ўзбекистон ХДП Киров район кенгашида бошланғич партия ташкилотлари котибларининг Юнусобод масжитининг имоми Авазхон Ҳайдар ўғли билан ўзаро мулоқоти бўлиб ўтди. Мулоқотни ХДП район кенгаши аъзолари уюштиришди.

Партия даҳрийлик ва дин тўғрисидаги содда тасаввурлардан тамомила халос бўлиш, маънавий изланишлар учун ҳар бир кишига кенг имкониятлар очиб бериш, шахснинг ўзини маънавий камол топтиришга, ўзининг ҳаётий йўналишларини эркин ва онгли танлашга интилишини ҳар тамонлама рағбатлантириши керак, — дейилади ХДП Дастурида.

Албатта, бу сермазмун жумлаларнинг ҳаётда амалий ифодасини топиши ўз-ўзидан бўлавермайди. Шунинг учун ҳам биз дин вакилларини тез-тез мулоқотга чорлаб турибмиз. Чунки, ислом дини таълимотининг нафақат таълим-тарбияга ва ахлоқ-одобга доир ажойиб хусусиятлари, балки бошқа фойдали жиҳатлари ҳам кўплигини вақт, ҳаёт кўрсатаётир. Қолаверса, халқимиз тарихи — ўтган кунларимиз ислом дини билан бевосита боғлиқ. Шундай экан, маъракаю маросимлар, тўю томошаларимизда қўлланиб келинаётган барча миллий ва диний расм-русмлар мазмун моҳиятидан бохабар бўлиш партия фаоллари учун бугунги кунда жуда ҳам зарур. Қолаверса халқ урф-одатларини билмасдан, одамлар орасига кириб бориб бўлмайди. Мулоқотнинг қизғин ва баҳс-мунозарага бой ўтганлиги эса унинг келажакдаги ишимизга албатта ижобий таъсир кўрсатишидан далолатдир.

Н. ҒИЁСОВ,
Ўзбекистон ХДП Киров район кенгаши аъзоси.

РАЙОН КЕНГАШИ ҲИСОБИГА

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Қорақўл район кенгаши қошида телефонлаштириш, радиолаштириш, алоқа линияларини таъмирлаш билан шуғулланувчи «Алоқа» кичик корхонаси иш бошлади.

Малакали алоқачилар томонидан бажарилаётган хизматдан тушган маблағнинг маълум қисми партиянинг район кенгаши ҳисобига ўтказиляпти.

(ЎзА).

«ҲАМКОРЛИК» САФАРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши қошида ташкил топган «Ҳамкорлик» кўчма клуби ўз фаолиятини бошлади. Клуб жойларда жумҳуриятимиз Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган фармонлари ижроси билан танишади, ночор кишиларнинг давлат муҳофазасига олинишига кўмаклашади ҳамда корхона ва ташкилотлар эътиборини меҳнаткашлар турмуш даражасини яхшилашга қаратади. Шунингдек, у партия ташкилотларига янги шароитларда қандай ишлаш кераклиги тўғрисида яқиндан амалий ёрдам кўрсатади.

«Ҳамкорлик»нинг дастлабки сафари Бахмал районида бўлиб ўтди. Меҳнаткашлар билан учрашув ва суҳбатлар чоғида клуб аъзолари бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги мураккаб даврда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аҳоли манфаатларини ҳимоя этиш, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган ишлари тўғрисида батафсил гапириб бердилар, уларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар.

А. ЖУРАЕВ.

Кимё саноати: муаммо, мулоҳаза ва мушоҳада

ИНҚИРОЗ

«АГАР ОЛДИ ОЛИНСА, ИШГА ЖИДДИЙ ЁНДАШИЛСА, У ЮЗ БЕРМАСЛИГИ МУМКИН» ДЕЙИШМОҚДА НАВОИЙ КИМЁГАРЛАРИ

Навоий «Азот» бирлашмаси вилоятдагина эмас, балки жумҳуриятимиздаги йирик саноат корхоналаридан ҳисобланади. Қарийб 10 минг нафар кимёгар меҳнат қилаётган мазкур бирлашмада юзга яқин кимёвий маҳсулот — хом ашёлар, минерал ўғитлар, сунъий толалар ишлаб чиқарилмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида бирлашма кимёгарлари умумий даромад режасини 102,2 фоизга уддалашди. Бу — бирлашма жамоасининг самарали меҳнати, изланиши, тажриба ва ташаббускорлиги натижасидир, албатта.

Бироқ СССР деган ягона Иттифоқнинг тарқалиши, айниқса Бутуниттифоқ шартномасидан путур кетиши мамлакатдаги бошқа саноат корхоналари, завод-фабрикалар сингари навоийлик кимёгарларни ҳам танг аҳволга солиб қўйди. Чунки бирлашма собиқ Иттифоқнинг 80 га яқин корхонасидан у ёки бу хом ашё турини оларди. Афсуски, энди бу ҳамкорлик йўқ. Бултур худди шу сабабга кўра, шартнома имзолаганларнинг панд бериши туфайли қатор маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалари уддаланмади. Натижада бирланма иқтисодиёти, рентабеллиги пасая бошлади. Энг ачинарлиси, цехлараро, бўлинмалараро узилишлар кучайиб бораётганидир.

Хўш, асосий етишмовчиликлар нималардан иборат? Кимёгарларни ташвишга солаётган муаммолар асосан қайсилар? Бўш вагонлар етишмаслиги, азот селитраси учун қоғоз қоплар йўқлиги, асбоб-ускуналар тақчиллиги, электр энергиясининг чегараланиши... Хуллас, муаммо ҳаддан кўп.

Эндиликда бу муаммолар ҳам ҳолва бўлиб қолди. Бозор муносабатлари — эркин нархларга ўтиш, иқтисодий танглик шундай муаммоларни юзага келтирдики, бу бутун бошли бирлашманинг тўхтаб қолиши, инқирозга юз тутиш хавфидир. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, мазкур кимё корхонаси ишлаб чиқариши шу йилнинг иккинчи чорагида тўхтаб қолиш хавфи остида. Бу — ўн минг нафар ишчи бекор қолади, дегани.

— Вазият кун сайин оғирлашмоқда, — дейди бирлашма бош директори, Ўзбекистон халқ депутати В. С. Крупин. — Платина ва қимматбаҳо металл «тўр»лар етишмаслиги сабабли январь ойида циан тузлари, рангли нитрон толаси ишлаб чиқариш кескин камайди. Биз бундай хом ашёни Екатеринбург металлургия заводидан олардик. Афсуски, шартномачилар панд беришаяпти.

— Айрим кимёвий бирикмалар, жумладан, ишқор, нитрил-акрил кислотаси етишмаслиги боис аммиак селитраси, аммоний сульфат, ацитилен, сирка кислотаси ишлаб чиқариш режалари барбод берилмоқда, — дейди бирлашма ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Р. Омонов. — Бу ўринда Явон, Павлодар шаҳарларидаги кимё заводлари мутасаддиларини айбламоқ керак. Уларнинг масъулиятсизлиги туфайли бултур 15 минг тонна каустик сода ололмадик. Ёки собиқ «Союзхимэкспорт» бирлашмаси раҳбарларининг боқибеғамлиги эвазига хориждан 7 минг тонна ишқор келмади...

Ҳа, бирлашма раҳбарларининг ташвишланганича бор. Агар уларга амалий ёрдам кўрсатилмаса, йилига 420—430 миллион сўм атрофида даромад қилаётган мазкур кимё корхонасининг инқирозга учраши аниқ. Бизнингча, ушбу муаммога жумҳурият Вазирлар Маҳкамасидаги масъул ўртоқлар ижобий ёндашмоқлари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган республикаларарО муқобил шартнома узилкесил ҳал қилинмоғи шарт. Акс ҳолда фақат Навоий «Азот» кимё корхонасигина эмас, балки жумҳуриятдаги бошқа саноат корхоналари ҳам эрта-индин танг аҳволга тушади.

Кимёгарларнинг яна бошқа эътирозларини ҳам таъкидламоқ жоиз. Масалан, Навоий ҒРЭСи бирлашма яқинида бўлса-да, кимёгарлар электр энергияси танқислигини бошдан кечиришмоқда. Ўтган йил тўртинчи чорагида энергия ва табиий газнинг маълум миқдорда чегараланиши оқибатида 18 минг тонна аммиак селитраси, 170 тонна нитрон тола, 15 тонна сирка кислотаси, 279 тонна аммоний сульфати кам ишлаб чиқарилди. Шу йилнинг январь ойида ҳам бу аҳвол давом этди. Демак, бу ҳақда ҳам жиддий мулоҳаза юритиш керак.

Кимё корхонасининг табиатга, атроф-муҳитга етказаётган зарари ҳақида тўхталадиган бўлсак, бунинг чораси топилмоқда. Ўта заррали газлар махсус «тутқич»лар ёрдамида тозалана бошлади. Айрим цехлар эса халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга мослаштирилмоқда. Натижада бултур бирлашмада 53 миллион 400 минг сўмлик шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бунга мисол қилиб эшик-деразалар, дарвозалар, темир панжаралар, кир ювиш порошоклари, ҳар хил шампунлар тайёрланаётганини айтиш кифоя. Демак, келгусида кимё корхонасини халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштира бориш фойдадан ҳоли эмас. Ўшанда муаммолар ҳам, экологик салбий таъсир ҳам камаяди.

Хуллас, ҳозир бирлашма амалий ёрдамга ниҳоятда муҳтож. Инқироздан олдин, кимёгарлар ишсиз қолишидан аввалроқ масалага жиддий ёндашмоқ зарур.

М. ШАРОПОВ.

● Чирчиқ пойабзал фабрикаси ишчи ва мутахассислари баракали меҳнат қилмоқдалар. Корхона ўтган йили 3 миллион 223 минг жуфт болалар пойабзали тайёрлаган эди. Пойабзалчилар бу йил дастлабки кварталин ҳам яхши якунламоқдалар.

Суратда: корхонанинг илғор пойабзалчилари йиғувчи Гулнора Яҳёева ва цех мастери Нина Шаймергенова.

Даврон АҲМАД олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ЁЛҒОННИНГ ОХИРИ ВОЙ»

● Рўзномамизнинг шу йил 4 январь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Тошкент шаҳар ўсимликларни ҳимоя қилиш станциясидаги суиистеъмолликлар танқид қилинганди. Мақола юзасидан УЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИдан расмий жавоб олинди. Унда шундай дейилади:

— Мақола муаллифи А. Шукуров рўзномага ёзишдан аввал вазирликка ҳам шикоят ёзган. Уни текшириш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, 1989 йилнинг 1 январидан то 1990 йил январигача бўлган даврда «Союзгоскарантин»га қарашли фумигация отрядида катта камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, ҳисобдор шахслар бўлмиш А. Нишонов ва Д. Шушкинлардан уч ярим минг сўмлик заҳарли химикатлар ҳисобдан чиқарилган.

Гараж мудири А. Толиповнинг эътиборсизлиги оқибатида бир ярим минг сўмлик нефть маҳсулотлари ошиқча ҳисобдан чиқарилган. Бош ҳисобчи Ф. Газиеванинг ўз ишига эътиборсизлиги оқибатида кассир Л. П. Дорохова ҳақдор кишиларнинг имзосисиз 148,17 тийин пулни ҳисобдан тушириб қолдирган. Шунингдек, у ноқонуний йўл билан Б. Ғозиева ҳисобига 50 сўм пул ўтказган. А. Аҳмадалиева ва Г. Муҳсиддиновларга қонунга хилоф равишда 45 сўм пул тўлаган.

Отярд бошлиғи Л. Е. Лопатников, унинг муовини А. Нишонов, шунингдек, бош ҳисобчи Ф. Газиеваларнинг масъулиятсизлиги оқибатида омбордаги моддий материаллардан 930 сўм 99 тийин камомад аниқланган.

Тафтиш материаллари ўрганиб чиқилди. Қўпол камчиликларга йўл қўйган мансабдор ва жавобгар шахсларга қонун йўли билан чора кўриш учун ҳужжатлар тергов органларига топширилди.

«Союзгоскарантин» 1992 йил 11 февралда тугатилди. Шу муносабат билан унинг фумигация отряди Ўзбекистон Республикаси давлат ўсимликлар карантини нозирлиги ихтиёрига ўтди. Унинг 14 февралдаги буйруғига асосан, юқоридаги хато-камчиликлари учун Л. Е. Лопатниковга ҳайфсан эълон қилинди.

Тафтиш материаллари тергов органларига берилганлиги маълумот учун қабул қилинди ва отряд ишини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси давлат ўсимликлар карантини нозирлиги зиммасига юклатилди.

Янгиликлар, Воқеалар.

Пастдарғом районидаги «Москва» жамоа хўжалиги механизаторлари 9 та чопиқ, 7 та ҳайдов, 26 та транспорт тракторлари, 7 та сеялка, 138 та комплекс барона ва бошқа тирков асбоб-ускуналарини ремонтдан чиқариб, мавсумга шайлаб қўйдилар.

СУРАТДА: ремонтчи-слесарь Абдухалил Туйғунов.

Ғ. АЛИЕВ туширган сурат.

• ФАРМОН ВА ИЖРО

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Яйлов чорвачилиги [қоракўлчилик, қўйчилик, уюр йилқичилиги ва туячилиги] ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча тарбирлари тўғрисида»ги Фармонини Қорақалпоғистон Республикаси чорвадорлари ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат деб баҳоламоқдалар. Боиси бу Фармонда чўпонларнинг ижтимоий турмушини яхшилашга алоҳида эътибор берилган. Лекин ҳозирги иқтисодий танглик шароитида, хусусан, қоракўлчиликни ривожлантириш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти! Асосий эътибор аҳолини гўшт маҳсулотлари билан кўпроқ таъминлашга қаратиляптими! Бу борада қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида Қорақалпоғистон қоракўлчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Садуакас Утебоев мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

Имконият етарли бироқ...

— Мен аввало қоракўлчиликка раҳбарлик тизими ҳақида гапириб ўтишни истардим. Ўзбекистонда ҳам, Қорақалпоғистонда ҳам қоракўлчилик трестлари, бирлашмалари гоҳ тугатилиб, гоҳ қайта тикланди. Бунинг оқибатида баъзан ишбилар кадрлар кетиб қолди. Биз биринчи навбатда ана шунга йўл қўймаслигимиз керак.

Етмишинчи йилларда Қорақалпоғистонда 450—500 минг бош қўй бор эди. Кейинги пайтда қўйлар сони кескин камайиб кетди. Асосий сабаб қоракўлчиликка ихтисослаштирилган давлат хўжаликларига кўпроқ гўшт етиштириш ва топшириш режалаштирилди. Бунинг устига қўйларнинг кўплаб нобуд бўлишига йўл қўйилди. Қоракўлга мўлжалланган қўзилар ҳам сўйиб юборилди. Чунки ўша пайтда асосий вазифа қўйлар сонини кўпайтириш эмас, аксинча гўшт топшириш режаларининг ошириб бажарилиши эди.

Ҳозир республикада қоракўлчиликни икки-уч марта ва ундан ҳам кўпроқ миқдорда ривожлантиришнинг ҳамма имкониятлари мавжуд.

Бу йил республикадаги қоракўлчилик совхозларида 286 минг 610 бош қўй бўлиб, шундан 174 минг 500 бошини совлиқлар ташкил этади. Ўтган йили 178 минг бош қўзи олинди. Шундан 82 минг бошдан кўпроқ қўзи ўстириш учун қолдирилди. Ҳар 100 бош совлиқдан 97 бошдан қўзи олиниб, бу борадаги режалар ошириб бажарилди. «Устюрт», «Қорақалпоғистон 40 йиллиги» қоракўлчилик давлат хўжаликлари чўпонлари қўзи олиш режаларини ошириб ado этдилар. Тахтакўпир районидаги К. Маркс номли давлат хўжалигидан Самбой Қўшмуротов, Жуманазар Жургенов, Димитров номли давлат хўжалигидан Қаршиға Кенжебоев, Алдаберган Бекбергенов, Қораўзак районидаги «Қорақалпоғистон 40 йиллиги» давлат хўжалигидан Қархон Жиенбоев каби ўнлаб илғор чўпонлар ўзларига бириктилган 500—520 совлиқнинг ҳар 100 бошидан 101—105 тадан қўзи олишга муваффақ бўлдилар.

Бирлашмамиз хўжаликларида 36 минг 261 бош ориқ қўй бор. «Қизилқалъа», «Буханмери», «Устюрт» давлат хўжаликларининг ҳар бирида 6620—7200 бошдан ориқ қўйлар боқилмоқда. Уларга кунига икки марта ем берилиб, парвариш қилинмоқда.

Бироқ айни пайтда емнинг камлиги сезилиб қолди. Асосий сабаб декабрь ойига мўлжалланган 700 тонна аралаш озуқадан 200 тоннаси кам олинганидир. Қўзилатиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш учун камида 4500—6000 тонна озуқа талаб қилинади. Ҳозирча имкониятимиз етарли эмас.

Қорақалпоғистон ғалла маҳсулотлари бошқармасига қарашли комбинатлар хом ашёмиз йўқ, деб таъминотни кечиктириб юбормаслиги керак.

Чўпонларнинг ижтимоий турмушини яхшилашда ҳам бир қатор қийинчиликлар мавжуд. Уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан вақтида таъминлаш ҳақида республика раҳбарияти ўйлаб кўриши даркор. Агар ана шу тадбирлар амалга ошса, қоракўлчиликни янада ривожлантириш мумкин. Бунинг учун имкониятлар етарли. Масалан, Жанубий Орол-нинг, Амударёнинг қуйи оқимида беш миллион гектардан кўпроқ майдон Устюрт ясси тоғларида ястаниб ётибди. Демак, 500 минг бошгина эмас, ундан ҳам кўпроқ қўйларни боқиш мумкин. Фақат зоотехник, ветеринария врачлари ва мутахассислари ҳам жонбозлик кўрсатишлари зарур. Ана шунда икки-уч йилдан кейин Қорақалпоғистон Республикасида қўйларнинг туёғи ортади. Гўшт, жун, қоракўл тери етиштириш ҳам кўпаяди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ: АХБОРОТ

АНАДЎЛИ АХБОРОТ БОШҚАРМАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

● Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг вакиллари делегацияси Туркия самолётида Ўрта Осиёдаги уч республикага ташриф буюриб, мазкур мамлакатлардаги аҳвол ҳақида шу кенгашга ахборот берди.

Туркия Ташқи ишлар вазирлигининг хабарига қараганда, делегация таркибида Туркия вакили Риза Туржен ҳам бор. Хабарда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши делегациясининг Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистонга сафарини Туркия қўллаб-қувватлаётгани, бу эса унинг Ўрта Осиё республикаларининг шу кенгашга қўшилиши учун олиб бораётган фаол сиёсатининг давоми эканлиги таъкидланади.

● Туркия Бош вазирининг ўринбосари ва давлат вазири Эрдол Иноню Ўрта Осиё республикаларининг БМТ Маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти — ЮНЕСКО аъзолигига қабул қилинишини ёқлади.

Франция пойтахти Парижга келган Иноню ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор билан учрашув чоғида Туркиянинг ана шу истагини маълум қилди. Учрашувдан сўнг Анадўли ахборот бошқармаси мухбири билан бўлган суҳбатда Иноню ЮНЕСКО бошлиғи бу истак диққатга сазоворлигини тан олиб, аъзолик хусусидаги бу масала яқин орада кўрилажагини билдирди деб айтди.

(АА—ЎзА).

• НУҚТАИ НАЗАР

ЎЗ АЛИФБОМИЗНИ ЯРАТАЙЛИК

Республикамиз тил ҳақидаги қонунининг амалга ўтиши, айниқса, мустақилликка эришувимиз она тилимизнинг қимтиниб эмас, эркин яшашига, дилимиз каби тилимизнинг ҳам битта бўлишига, имломизни ўз талабимизга мос ҳолга келтиришга, ширин сўз топиш ва айтишга йўл очди, имкон-шароитлар яратди. Шундай экан, вақт ва имконни бой бермай, ўзбек тилини ривожлантириш, уни фаолиятнинг барча соҳаларида хизмат қила оладиган миллий тил даражасига кўтариш учун астойдил ишга киришмоғимиз лозим. Бу борадаги муаммолар эса жуда кўп. Шулардан энг асосийси, кечиктирмай, биринчи навбатда ҳал этилиши талаб этиладиган муаммо — талаб даражасидаги ўзбек алифбосини яратиш муаммосидир.

Туркий халқлар тарихида, жумладан, ўзбек халқи тарихида унинг алифбоси, ёзуви бир неча бор ўзгарганлиги, бу ўзгаришнинг сабаблари ҳақида етарли маълумотга эгамиз. Ҳатто, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин ўтган вақт давомида ҳам бу ҳақда кўп ёзилди, ёзилмоқда ва махсус йиғилишларда ҳам кўп гапириляпти. Хуллас, гап ниҳоятда кўп, лекин фойдали иш, натижа ниҳоятда оз, йўқ даражада. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Объектив сабаби шундаки, шу вақтга қадар алифбомизни ўз хоҳишимиз билан, истаган тарзда ўзгартириш, янгилаш шароити йўқ эди. Бу борада қандай иш, ўзгартиш қилмайлик, рус графикаси асосида қилишимиз керак, яъни бошқа графика асосидаги ёзувга ўтиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Гап бўлган тақдирда ҳам унинг амалга ошуви мумкин эмас эди. Субъектив сабаби шундаки, ҳанузга қадар бу борадаги ишларимиз тўғри ва кўнгилдаги натижаларга эришишни таъминлайдиган режалар асосида олиб борилгани йўқ. Бошқача айтганда, алифбонинг талаб даражасида бўлишига эришиш учун, ишни нимадан бошлаб, нима билан якунлашни аниқ белгилаб олмай, бу ҳақда ким нима дея олса, шуни айтиб, ёзиб келяпмиз. Бу аҳволда алифбо борасида турли баҳс-мунозаралар, ортиқча ишлар давом этаверади. Лекин уни ўз вақтида ва муваффақиятли якунлаш мумкин бўлмайди. Сўнгги қирқ йилдан ортиқ вақт давомида туркий тиллар алифбосини такомиллаштириш бўйича ниҳоятда кўп ишлар қилинганига қарамай, кўнгилдаги натижага эришилмаётганининг сабаби ҳам худди ана шунда.

Демак, талаб даражасидаги ўзбек алифбосини яратиш кун тартибига қўйилар экан, бу борадаги барча ишларнинг аниқ режаси тузиб олиниши ва шу режа асосида ишга киришиш керак бўлади.

Республикамизнинг давлат тили ҳақидаги қонунида ўзбек алифбоси, уни такомиллаштириш ҳақида гап йўқ. Лекин қонун моддаларида қайд этилган талаблар, айниқса, Ўзбекистоннинг мустақил республикага (давлатга) айланиши ва бу билан юзага келган, бундан кейин юз берадиган шароитлар, амалга оширилади ган ички-ташқи ишлар ўзбек тилининг талаб даражасидаги алифбосини яратишни энг асосий, кечиктирмай ҳал этиш лозим бўлган масала сифатида кун тартибига қўяди. Шундай экан, алифбо бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишларимиз ҳақида гаплашиб олиш учун тезда маслаҳат йиғини ўтказиш зарур (Менимча, бу йиғинни «Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича республика комиссияси» ташкил этиши керак). Ана шу йиғинда алифбо бўйича бажариладиган илмий-амалий, ташкилий ишлар ҳақида келишиб олиниб, биринчи навбатдаги ишларни бажаришга киришиш бошланади. Шу билан бирга бундай маслаҳатли йиғинни кутиб ўтирмай, унинг натижасига боғлиқ бўлмаган масалалар бўйича фикрлашувни бошлайвериш керак.

Ўзбек алифбосини такомиллаштириш, уни талаб даражасидаги алифбо ҳолига келтириш юзасидан бўлаётган таклиф, фикр-мулоҳазаларни, асосий моҳиятига кўра иккига бўлиш мумкин: 1) ўзбек алифбосининг график асосини белгилаш, яъни араб, лотин ёки бошқа графика асосидаги ёзувлардан бирига ўтиш ҳақидаги таклиф ва шу ҳақдаги фикр-мулоҳазалар; 2) рус графикаси (кириллица) асосидаги ҳозирги алифбомизни маълум ўзгартишлар билан такомиллаштириш ва бу такомиллаштиришнинг йўллари, бунда қилинадиган ўзгартишлар ҳақидаги таклиф ва фикр-мулоҳазалар.

Ўзбек алифбосининг график асосини белгилаш, уни ўзгартириш, янгилаш ҳақидаги таклиф ва мулоҳазалар яқин кунларда, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши арафасида ва шундан кейин айтила бошлади ва ўз-ўзидан, бу масала ҳали жиддийроқ муҳокама этилганича йўқ. Иккинчи йўналишдаги иш, яъни рус графикаси асосидаги алифбони такомиллаштириш ишлари эса туркий тилларда деярли қирқ йилдан буён давом этиб келяпти. Лекин тажриба, амалиёт шуни кўрсатдики, бундай йўлда ишлаш билан алифбо муаммосини ўз вақтида ва кўнгилдаги натижалар билан якунлаб бўлмайди. Чунки, айтайлик, кириллицадан бошқа графика асосидаги ёзувга ўтиладиган бўлса (шундай йўл маъқул топилса), шу графика асосидаги алифбо, ёзув ишлаб чиқилади ва йиллар давомида рус графикаси асосидаги ёзувни такомиллаштириш бўйича қилинган ишлар зое кетади, деярли фойдасиз бўлиб қолади. Шундай экан, биринчи навбатда, қайси графика талабга жавоб берадиган ўзбек алифбосини, ёзувини яратиш имконини беришини белгилаб, шу ҳақда бир фикрга келиб, ундан кейин алифбомиз билан боғлиқ ишларни ҳал этишга ўтмоқ лозим бўлади.

Ҳаётда юз берадиган ҳар қандай ўзгаришнинг сабаби бўлгани каби, алифбони ўзгартиришнинг ҳам сабаби бўлади, албатта.

Аввало шуни айтиш керакки, биринчидан, эҳтиёж бўлмагани ҳолда зўрлик билан ўзгартирилган, шу йўл билан юзага келган алифбо шу халқнинг доимий алифбоси, шу халқ тилининг эҳтиёжларига хизмат қила оладиган алифбо бўла олмайди. Ёзувимиз тарихи бунга гувоҳ. Иккинчидан, алифбо имкониятларининг тил тараққиётидан орқада қолиши ва уни такомиллаштириш масаласида икки нарсани бир-биридан фарқлаш ва баҳолаш керак бўлади. У ҳам бўлса, талабга жавоб бермайдиган (тил тараққиётидан орқада қолган, алифбо график асосининг шу алифбони такомиллаштиришга имкон бериши ёки имкон бера олмаслигидир. Энди ана шу асосда ўзбек алифбоси учун қайси графика мақбуллиги, қайси графика талабга жавоб бера оладиган, тилнинг ривожланиши учун, ундан фойдаланиш учун тўсиқ бўлмайдиган, аксинча, унга йўл очадиган ўзбек алифбосини яратишга хизмат қилиш ёки хизмат қила олмаслиги юзасидан ўз мулоҳазаларимизни айтишга ўтамиз.

Ўтмишдан то ҳозирга қадар бўлган давр мобайнида фойдаланилган алифбо ва ёзувларимизни баҳолаш ва қайси графика асосидаги алифбонинг, ёзувнинг мақбул эканини белгилашни рус графикаси асосидаги ҳозирги алифбомиздан бошласак, бу борадаги гапимизни ҳам, ишимизни ҳам ихчамлаштириш, масаланинг моҳиятини тез ва осонроқ тушуниш-тушунтириш мумкин бўлади. Чунки рус графикаси асосида талабга жавоб берадиган алифбони, ёзувни яратиш мумкин бўлса, у ҳолда бошқа графика асосидаги ёзувни ишлаб ўйлаб ўтирмай, ҳозирги алифбони такомиллаштириш ҳақида ўйлаш, ишлаш керак бўлади. Акс ҳолда рус графикаси асосидаги ҳозирги алифбомизни такомиллаштириш бўйича олиб борилган ва ҳозир ҳам давом эттирилаётган барча ишларни йиғиштириб қўйиб, бошқа бир графика асосидаги ёзувга ўтиш, шу графика асосидаги ёзувни ишлаб чиқиш, яратиш керак бўлади.

Рус графикаси асосидаги ёзувга кўчишдан кўп вақт ўтмасданоқ фақат ўзбек тилида эмас, балки бошқа туркий тилларда ҳам шу тиллардан фойдаланишда талабга жавоб берадиган алифбо яратилмаганлиги маълум бўлди. Туркий тиллар алифбосини такомиллаштириш муаммоси келиб чиқди. Ўша даврдан то шу вақтгача бу борада кўплаб ишлар қилинди. Бир неча бор Иттифоқ доирасида конференциялар ўтказилди, қарорлар қабул қилинди, конференция материаллари чоп этилди. Бироқ на у ёки бу туркий тилнинг алифбосини яхшилаш бўйича, на туркий тиллар ёзувини бирбирига яқинлаштириш масаласида бирон бир ижобий натижага эришилгани йўқ. Бунинг маълум даражада субъектив сабаблари ҳам бор. Лекин, бизнингча, ҳал қилувчи сабаб объектив сабаб. Аниқроқ қилиб айтганда, кириллица асосида туркий тиллар учун маъқул бўладиган, ҳар жиҳатдан талабга жавоб бера оладиган алифбони яратиш мумкин эмаслигини бу борада олиб борган барча ишларимиз ўз натижасизлиги билан тасдиқлади. Ҳамма ишларни эмас, ўзбек алифбосини такомиллаштириш борасидаги сўнгги ҳаракатларимизнинг натижасини олиб кўрайлик.

Рус графикаси асосидаги алифбони такомиллаштириш масаласи кун тартибига қўйилгач, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Тилшунослик институти)да махсус ишчи гуруҳи тузилиб, бу гуруҳ томонидан ўзбек алифбосининг такомиллаштирилган варианти тузилди. Лойиҳа сифатида муҳокама учун икки йил бурун маорифчилар рўзномасида эълон қилинди. Лойиҳа бир неча ой давомида муҳокама этилди. Матбуот саҳифаларида эълон қилинган материаллардан ташқари тўрт мингга яқин кишидан лойиҳа юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган хатлар олинди. Лойиҳани ва у ҳақда билдирилган фикр-мулоҳазаларни муҳокама этиб, алифбомизнинг такомиллашган вариантини яратиш, шунга эришилса, уни тасдиқ учун тавсия этиш мақсадида 1990 йилнинг 5 май куни республика доирасида махсус йиғилиш ўтказилди. Бироқ бу муҳокамалардан сўнг ҳам ўзбек алифбосининг талабга жавоб берадиган, ҳаммага маъқул вариантини яратишга эришилмади. Бу ҳаракатлардан сўнг кириллица асосида талабга ҳар жиҳатдан жавоб берадиган ўзбек алифбосини яратиш мумкин эмаслини яна бир бор маълум бўлди.

Ўзбек алифбоси «ҳаётида» шундай аҳволнинг юз бериши табиий эди. Чунки рус графикаси ўзбек алифбосини, ўзбек ёзувини ривожлантириш талаби билан киритилмаган. Агар ўзбек алифбосининг, ўзбек ёзувининг ривожланиши, тараққиёти билан ҳисоблашилганида, бошдаёқ рус графикаси асосидаги алифбога, ёзувга ўтилмаган бўлур эди. Бинобарин, рус графикаси асосидаги ёзувга ўтиш бошдаёқ асоссиз, хато бўлган. Хатони эса, қачон бўлмасин, тузатиш шарт. Акс ҳолда у кўнгилсиз оқибатларни юзага келтираверади.

Ҳозирги алифбони, ёзувни ўзгартириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар асосан араб ёки лотин ёзувига ўтиш тўғрисида бўляпти. Бу ёзувлардан бирини тавсия этувчилар ўз фикрларини асослаш учун маълум далиллар келтирадилар.

Бу мулоҳазалардан келиб чиқиб қуйидагиларни айтишни лозим деб биламиз. Биринчидан, тарихни яхши билиш, ўрганиш учунгина араб ёзувига қайтиш шарт эмас. Чунки, ҳамма ҳам меросни ўрганавермайди. Тарихни (меросни) ўрганиш вазифаси, мақсади бўлганлар эса араб ёзувини ўрганиши мумкин. Шунингдек, араб ёзувини билган билан меросни ўрганиш мумкин бўлавермайди. Бунинг учун араб ва форс тилларини ҳам билиш талаб этилади ва бундан бошқа талаблар ҳам бор. Иккинчидан, ёзувни танлаш тарихни билиш нуқтаи назаридан эмас, балки тилнинг истиқболи, ривожи, ундан фойдаланишда бутун қулайликлар бўлиши нуқтаи назаридан белгиланади. Шу жиҳатдан қараганда араб ёзувини ҳозирги ўзбек тили учун, унинг истиқболи учун мақбул, талабга жавоб бера оладиган ёзув дея олмаймиз. Бунинг сабаблари эълон қилинган кўпгина ишларда, алифбо лойиҳаси муҳокамаси учун юборилган қўлёзма материалларда етарли исботлангани учун биз ҳам далиллаб ўтирмаймиз. Фақат шуни қайд этмоқчимизки, араб алифбоси бошдаёқ туркий тиллар ёзувини, жумладан ўзбек ёзувини яхшилаш учун, шу мақсадга хизмат қиладиган алифбо сифатида қабул қилинмаган. Аксинча, зўрлаб киритилган (қабул қилдирилган) алифбодир.

Баъзилар араб ёзувининг афзаллигини исботлаш учун бу ёзувдаги матнни (шеър, проза ёки бошқа ёзма материални) ҳар бир туркий тил вакили ўз тилидагидек қилиб ўқийверишини, масалан, ўзбек Фузулий ғазалларини ўзбек тили, Навоий ғазалларини озарбайжон озарбайжон тили билан ўқийверишини айтадилар. Шундай ўқиш мумкинлиги ва ўқилиши тўғри. Бироқ худди шу нарса араб ёзувининг афзаллигини эмас, аксинча, камчилигини, қусурини кўрсатувчи белги. Чунки, ўзаро қай даражада яқин бўлмасин, туркий тилларнинг ҳар бири фонетик (товуш) жиҳатдан қатор ўзига хосликларга эга. Ёзув ана шу ўзига хос хусусиятларни аниқ фарқлаб бериши керак. Акс ҳолда у талабга жавоб бермайдиган ёзув қисобланади. Араб ёзуви туркий тиллар учун худди шундай ёзув.

Хуллас, араб ёзуви бошда ҳам, кейинги минг йиллар давомида ҳам ўзбек тили учун талабга мос ёзув эди, дейиш учун асос йўқ. Айниқса, бундан буёнги тараққиётда ҳам талабга мувофиқ даражада иш бера олмайдиган ёзув.

Лотин графикасидаги ёзувга келганда, қисқа қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин. Биринчидан, бу ёзув ўзбек тилига тазйиқ билан киритилгани йўқ, балки, ўзбек ёзувини яхшилашга имкон берадиган графика, алифбо деб қабул қилинди ва профессор Иристой Қўчқортоев тўғри таъкидлаганидек, «лотин ёзуви асосидаги ўзбекча алифбо мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди, унинг изчиллиги, ўзбек тили товуш талаффузи маромига анча мос эканлиги қайд этилди. Лекин лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини кирилл ёзуви асосидаги алифбо билан алмаштириш ўзбек ёзуви маданияти муаммоларини камайтирмади, аксинча, кўпайтирди». Демак, ўзбек ёзувини яхшилаш талаби билан лотинча ёзувдан воз кечилгани йўқ. Балки, у кириллица асосидаги ёзувнинг мажбурий киритилиши «қурбони» бўлди. Лотин ёзувида... кириллица хатидан устунроқ жиҳатлар йўқ, дейиш ҳеч қандай асоссиз, ўйламай-нетмай айтилган гап. Иккинчидан, ҳозирги графикалар ичида ўзбек тили фонемаларини аниқ ифодалаш имконини берадиган лотин графикасидир. Учинчидан, компьютер, ҳисоблаш машинаси ва бошқа техник воситалардан фойдаланишда энг қулай алифбо лотин алифбосининг эканлиги исботланган ва тан олинган факт. Ана шу айтилган уч нарсанинг ўзиёқ (бошқаларини санаб ўтирмаймиз) лотин ёзувига ўтишнинг ҳар жиҳатдан мақбуллигини кўрсатади. Шу ҳақда бир фикрга келсак, кириллица асосидаги ёзувни такомиллаштириш борасидаги ишларни, гапларни тўхтатиб, йиғиштириб қўйиб, лотин ёзуви асосидаги алифбони ишлаб чиқиш ва у билан боғлиқ ишларни бажаришга киришмоғимиз керак бўлади.

Азим ҲОЖИЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Тилшунослик институтининг директори.

● АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Бўз районида мактабгача тарбия муассасалари сафи тобора ортиб бормоқда. Яқинда бу ерда яна бир боғча қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Суратда: тарбиячи Донохон Мадумарова машғулот ўтказмоқда.

Т. ҒОФУРОВ олган сурат.



• Бир мавзуда икки мактуб

МИШ-МИШГА ИШОНМАНГЛАР

● Мен 1932 йилги қаҳатчиликни кўрганман. Украинанинг Херсон вилоятида уруш бошланган пайтда тўққиз ёшда эдим. 1945 йили Ўзбекистонга келиб, ҳисобчи бўлиб ишлаб юрган пайтларимда кунжара ҳам еганман.

Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 19 январда сўзлаган маърузасини ойнаи жаҳон орқали кўриб, йиғлаб юбордим. Негаки, менинг ҳам икки қизим Арофатхон ва Муслимахон Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтининг математика ва биология факультетларида таҳсил олишарди.

Тошкентдаги воқеаларни эшитибоқ қизларимга шошилинч хабар йўлладим. Менинг «Миш-мишларга ишонманглар» деган сўзларимга «Ётоқхонадан чиқмадик» деган хабар келди.

Биз яхши кунлар келишига ишонамиз.

Иброҳим Абул ВАЛИЙ
Қува шаҳри.

ҚАЙТАРАВЕРМАЙЛИК

● Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган воқеалар ҳақида тез-тез гапирадиган бўлиб қолдик. Устига-устак «ойнаи жаҳон» ва радио орқали ҳам тинимсиз эшиттириш ва кўрсатувлар бериляпти. Бу ҳозирги оғир иқтисодий давримиздаги снёсатга катта салбий таъсир этиши мумкин.

М. САВУРОВ,
Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти, фалсафа кафедрасининг доценти.

• КЎКЛАМ—МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли жамоа хўжалигида баҳорги дала ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Пленка остига экилган помидор, болгар қалампири, бақлажон кўчатлари агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмоқда.

Яқинда пиёз экилди. Ғ. Файзиев бошлиқ сабзавотчилик бригадаси аъзолари эса картошка экдилар.

Бу йил хўжаликда сабзавот экин майдонларини 70 гектарга етказиш кўзда тутилган. Жамоа хўжалигида икки минг тонна маҳсулот етиштириш мўлжалланяпти. Шунинг тенг ярмини сабзавоткорлар ўзлари эркин нархда сотадилар.

Шуниси диққатга сазоворки, кузгача жамоа хўжалигида қурилаётган консерва заводи ҳам ишга туширилади. Бу эса деҳқонларга ўзлари етиштирган маҳсулотни ўзлари қайта ишлашлари учун катта имконият яратилади.

Шунингдек, Қарши районидаги А. Икромов номли давлат хўжалигида ҳам баҳорги юмушлар тез ва сифатли амалга оширилмоқда. Хўжаликнинг Э. Ҳайдаров бошлиқ бригадасига 20 гектар майдонга картошка экиб бўлинди. Бу ишлар моҳир механизаторлар ёрдамида тўрт иш кунида бажарилди.

М. КАРОМОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПИЁЗ СЕПИЛЯПТИ

Хоразм вилояти хўжаликлари эртаки сабзавот экишни бошлаб юборишди. Ерга биринчи бўлиб пиёз уруғи сепилди. Хива райони хўжаликларида қисқа вақт ичида юз гектардан ортиқ майдонга пиёз экилди.

Ленин номли, Огаҳий номли, Р. Мадаминов номли жамоалар пешқадамликни дастлабки кунларданоқ қўлга олишган. Умуман, бу йил вилоятда эртаки пиёз етиштириладиган майдонлар 400 гектарни ташкил этади.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Ўзбекистон—АҚШ:

ХЬЮСТОННИНГ ФАХРИЙ ФУҚАРОСИ



Асли хьюстонлик бўлган АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер яқинда Ўзбекистонда бўлганида Самарқандда ўз юртдоши яшаб турганини билолмай кетди. Бунинг учун «юртдош»нинг ўзи «айбдор». Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида замонамизнинг машҳур сиёсатчиси билан, албатта, яқиндан танишиб олган бўларди. Бу учрашув, эҳтимол, Бейкерга ҳам кўнгилли бўларди. Самарқанд вилоят ижрокоми раисининг ўринбосари бўлиб ишлаб турган «юртдош» АҚШ давлат котибини кутиб олган ва кузатиб қолганлар орасида бўлса ҳам бундай қилмади.

Акром Худойқулов — камтар инсон. Касби — математика муаллими. Кўп йил мактабда ишлаган: оддий муаллимдан район халқ таълими бўлимининг мудири даражасигача кўтарилган. Унинг ташкилотчилик қобилияти кўзга ташланган. Пастдарғом тумани ижрокомининг раиси этиб тайинлашган. Шундан кейин қарийб саккиз йил мобайнида Самарқанд ҳокими бўлиб ишлаган.

Айни ўша йилларда Хьюстондан катта бир делегация Самарқандга келиб қолди. Американликлар шаҳар ҳокимиятининг иши билан қизиқиб танишдилар, ҳокимга кетма-кет савол бердилар... Орадан бир неча ҳафта ўтгач, Худойқулов АҚШдан хатжилд олди. Унинг ичида Хьюстоннинг эмблемаси, шаҳар дарвозаларининг рамзий калитлари бор эди. Хатжилд ичидаги мактубга қуйидаги сўзлар ёзилганди: «Акром Худойқулов жаноблариға! Биз, шаҳар маъмурларининг вакиллари сизга шуни мамнуният билан маълум қиламизки, сиз фахрли фаолиятингиздаги катта хизматларингизни эътироф қилиш белгиси сифатида ва инсониятнинг равнақи ҳамда фаровонлиги ишига ўз беғараз ижтимоий фаолиятингиз воситаси билан қўшиб келган ва қўшаётган катта ҳиссангизга миннатдорчилик юзасидан Техас штати Хьюстон шаҳрининг фахрий фуқароси этиб сайландингиз... Шу хатга 1982 йил 30 октябрь куни ҳаммамиз қўйган имзолар ва Хьюстон шаҳрининг расмий муҳри юқорида баён этилганларни тасдиқловчи далилдир. Хьюстон шаҳрининг ҳокими».

Собиқ СССРда Хьюстоннинг фахрий фуқаролари неча киши эканини айтиш қийин. Аммо А. Худойқулов шу унвонни ва расмий таклифномани биринчи бўлиб олган эди. Бироқ, афсуски, таклифномадан фойдалана олмади: ўша вақтларда ҳатто қўлда расмий таклифнома бўлса ҳам Совет Иттифоқининг унча-мунча фуқароси АҚШга бора олмас эди. Кўпдан-кўп тўрачилик тўғаноқлари халақит берарди. Эҳтимол, Худойқулов шу тўғаноқлардан ўтиши ҳам мумкин эди. Бироқ АҚШга бориш учун унинг вақти йўқ эди. Самарқанд жадал суръатларда қайта қурилаётган эди.

Энди Ўзбекистон билан дунё ўртасида дўстлик кўприклари қурилмоқда. Минглаб ўзбекистонликлар, шу жумладан, ўзини фахрий фуқаро этиб сайлаган Хьюстонга бирон марта боришга мушарраф бўлмаган Акром Худойқулов ҳам шу кўприкларга ўз қадамларини қўяди, деб умид қиламиз.

Суратларда: 1. Акром Худойқулов. 2. Хотира медали. 3. Фахрий фуқаро ҳужжати.

Р. ҒАФУРОВ олган суратлар (ЎзА).

Анвар ЖУРАБОЕВ,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг махсус мухбири.

• *Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари*

МУНОСИБ ШОГИРД ЭДИ

Баҳром Ҳайдарий 1900 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Кўплар қатори унинг ёшлиги ҳам очлик-тўқчиликда кечди. Чунки ҳукмдорларнинг зулми, солиқ-закотларнинг кўплигидан халқнинг яшаш тарзи аянчли эди. Бу эса уларнинг оиласини ҳам четлаб ўтмади. Ёш Баҳром билим олишга қизиқар, кўп вақтини ўзбек мумтоз ва дунёвий адабиёт намояндаларининг китобларини мутолаа қилишга сарфларди. Унда аста-секин муаллимлик қобилияти намоён бўла бошлади. Шу боисдан бўлса керак, 1917—1920 йилларда Улуғбек номидаги дастлабки совет мактабида ўқитувчилик қилди.

Баҳром ўз устида тинмай ишларди. Мустақил суратда рус тилини, эски ўзбек ёзувини ўрганиб олди. Ўз тенгқурлари орасида ишчанлиги, билимдонлиги, ташкилотчилиги билан ажралиб турарди. Айниқса, мактаб-маориф соҳасида ўзига хос интилиш ҳаракати уни янада кўпроқ билим олишга чорларди. У Туркияга бориб, ўз малакасини оширди. Сўнгра эса 1925-26 йилларда шаҳар бадиий музейида маърузачи, 1926 йилнинг охиридан 1929 йилнинг бошларигача турли соҳаларда ишлади. Аввалига уни мавзе ижроия комитети таржима бюросининг мудирлигига тайинлашди. Сал ўтмай Баҳром Ҳайдарий «Қизил Ўзбекистон», «Камбағал деҳқон» рўзномаларида адабий ходим, Ўзбекистон давлат киностудиясида маслаҳатчи, катта таржимонлик лавозимларида ҳалол хизмат қилди.

1930 — 1935 йиллар Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг шарқ факультетида таҳсил олди. Ўз навбатида шу даргоҳнинг ишчилар факультети ўқув бўлими мудирлиги, САИИТИда ассистент вазифаларида ишлади. Уни то ҳибсга олишгунига қадар Тошкент давлат ирригация институти талабаларига ўзбек тилидан сабоқ берарди.

Баҳром Ҳайдарий ўзининг қисқа, лекин, жўшқин ҳаёти жараёнида кўплаб дўстлар орттирди, билимдон устозлар қўлида сабоқ олди. Айниқса, ўзбек халқининг севимли фарзанди, улкан сўз санъаткори, иқтидорли олим, ўрта осиёлик биринчи профессор Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат билан муносабати жуда яхши эди. Ҳайдарий Фитратдан кўп нарсани ўрганган, уни адолатли, жонкуяр, тиниб-тинчимас буюк ижодкор сифатида ҳурмат қилар эди.

Фитрат ҳам ўз навбатида Баҳромни қадрлар, қўлидан келганича ёрдамини ундан дариғ тутмасди. Ана шу шахсий муносабатлар балки Баҳром Ҳайдарий ҳаётига зомин бўлгандир. Чунки миллатчиликда айбланиб, қатағон қилинган Фитратнинг атрофидаги дўстлари, ҳаммаслаклари ҳам ҳисобга олина бошланган эди.

Баҳром Ҳайдарий энди ҳаёт лаззатини татиб, яшай деганда унинг бошида қора булут суза бошлади. Ниҳоят, уни ҳам қамоққа олишди. Ана шу машъум воқеани унинг рафиқаси Муаззамхон опанинг акаси, Тошкент қурилиш ва архитектура олий билимгоҳининг профессори Аъзам Самиғжонов эслаб шундай дейди: «Кечқурун ишдан қайтиб келиб, уйда ўтирган эдим. Бир вақт Муаззам ҳуши бир ҳолатда келиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. «Бундан бир ҳафта олдин уйимизга Фитрат домла келиб, НКВДдан хат келганлигини айтдилар. Баҳром акага сен ҳам ҳушёр бўлишинг керак, дедилар-у, шошиб чиқиб кетгандилар. Бугун Баҳром акамни ҳам олиб кетишди».

Мен Муаззамни юпатишдан нарига ўтолмадим. Чунки ўша машъум 1937—38 йилларда талайгина кишиларнинг қатағон қилинаётганлиги янгилик бўлмай, барча эрта-индин ўзини ҳам олиб кетиши мумкин деган хавотирда яшарди. Баҳромни куёвим, қолаверса, ўқимишли ва ҳалол бир инсон сифатида яхши эъзозлайман. У Усмон Юсупов, республиканинг озиқ-овқат бўйича вазири Муқимбоев ва бошқа раҳбар ходимларга иш вақтларидан ташқари пайтларда ўзбек тилидан дарс берарди. Чунки бу раҳбарларнинг турмуш ўртоқлари рус бўлишиб, оилада русча гапиришар, бу эса бирмунча ўзбек тилини талаффуз қилишга қийинчилик туғдирарди».

Баҳром Ҳайдарий қамоқдан хотинига шундай мазмунда хат юборди: «Муаззамхон, айбим йўқ, мен тўғри ишлаб келдим. Туҳматдан қамашди. Фитрат домла билан бир хонадамиз. Менга «халқ душмани» деган айб қўйишяпти. Лекин бу ғирт ёлғон. Ҳақиқат албатта қарор топади. Қайғурма, тез кунлар ичида қайтиб бораман. Мабодо, кўпроқ сақлашса, Муаззамхон, сенга айтадиган гапим шу. Туғилажак фарзандимиз ўғил бўлса, Нажотжон қўйинглар, токи у менга нажот бўлсин, мендек оталари каби жабрдийдаларнинг ҳақуқуқларини, соф ва беғубор номларини келажакда ҳимоя қилсин. Қиз бўлса Умидахон, у менингдек отасининг шу ёруғ дунёдан, оиласидан, барча-ёру-дўстларидан умидвор эканлигининг рамзий маъноси бўлиб вояга етсин».

Бироқ Баҳром Ҳайдарий тезда уйига қайтмади. Уни 1938 йилнинг 21 сентябридаги адолатсиз суд ҳукми билан 10 йилга «кесишди». Свердловскнинг совуқ ва зах турмасига ташланган Баҳром Ҳайдарий қалби пора-пора бўлишига қарамай, адолат тантанасига ишонди, тақдирига тан беришга мажбур бўлди. У қўшни хонада ҳассос шоир, ёзувчи Усмон Носирнинг ҳам борлигидан хабар топгач, бориб кўришга муяссар бўлди. Иккинчи борганида иккита нон олиб борди. Афсуски, кейинги сафар хабар олганда Усмон Носир оламдан ўтган эди. Бу гапларни орадан ўн йил ўтгач, 1948 йили қамоқни тугатиб келганидан кейин Б. Ҳайдарий қайноғаси Аъзам акага куйиниб қайта-қайта гапириб берди.

Баҳром Ҳайдарийнинг озод бўлиши оиласи ва дўстлари учун катта шодлик тусини олганди. Аммо бу узоққа бормади. Гўё унинг пешонасига «халқ душмани» деган тамға ўйиб ёзилган, шунинг учун она шаҳри Тошкентда яшаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинганди. Сирдарё область Мирзачўл районига кетишга мажбур этилган Б. Ҳайдарий район марказидаги бозорда паттачи бўлиб ишга қабул қилинди. Бу хўрликлар, азоб-уқубатлар гирдобида эзилиб, қадди дол бўлган Баҳром Ҳайдарий иккиуч ҳафтада Тошкентга — онласига яширинча келиб-кетарди. Бироқ бу ҳам кўпга чўзилмади. Яна эски айб билан туҳмат балосига гирифтор бўлди. У 1949 йилнинг 6 апрелида қамалди ва шу билан унинг ҳаёт шами ўчди...

Юраги дарду-аламга тўлган, фарзанди Нажот учун бутун умрини бағишлаган Муаззам опа турмуш ўртоғининг айбсизлигини исботлайман, деб кирмаган идораси, нажот кутмаган ҳукумат раҳбари қолмади. Ниҳоят, КПСС ХХ съезди Баҳром Ҳайдарийларга ўхшаш ноҳақдан қатағон қилинганларни оқлаш ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарордан умид қилган Муаззам опа Туркистон Ҳарбий округи раҳбариятига ариза билан мурожаат қилди. Орадан анча вақт ўтгач: қуйидаги мазмунда жавоб келди: «Туркистон Ҳарбий округи трибуналининг 1957 йил 11 декабрь № 4/6346 рақамли справкаси.

1900 йили туғилиб, қамалгунича (3 декабрь 1937 йил) Тошкент ирригация институтида ўзбек тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган Баҳром Ҳайдаровнинг айбдорлик ҳақидаги делоси (иши) вафотидан сўнг 1957 йил 9 декабрда Туркистон Ҳарбий округи ҳарбий трибунали томонидан қайта кўриб чиқилди.

1938 йил 21 сентябрь ва 1949 йил 6 апрель кунлари чиқарилган қарорлар бекор қилинди ва дело (иш) тўхтатилди.

Баҳром Ҳайдарий вафотидан сўнг оқланди.

ТуркВО Ҳарбий трибунали раиси, юстиция полковниги Приймак».

Б. Ҳайдарий ич-ичидан сўкилиб бораётган, жаҳолат сари юз тубан бўлаётган жамиятнинг қурбони бўлган эди. Шукурки, у вафотидан сўнг бўлса ҳам оқланди. Акс ҳолда бу «оқ доғ» унинг хотини Муаззам опа ва ёлғиз фарзанди Нажотнинг орқасидан қора кўланкадай таъқиб этиб келаверарди... Отанинг «айби» туфайли бу икки покиза инсоннинг бошларига не-не маломат тошлари ёғилмади. Сен халқ душманининг хотинисан, сен халқ душманининг ўғлисан, дейишиб, қанчалик сиқувга олишганлигини изҳор этишга тил бормайди. Айниқса, ёш Нажот бу адолатсизликдан анча кулфат, руҳий изтироб чекди. Уни ўртоқлари орасидан айириб ташлашиб, комсомол сафига ўтказишмади, ҳар қадамда турткилашарди. Бироқ метин иродали Нажот ҳаётда пок яшашни, ҳалол меҳнат қилишни асосий мақсад қилиб олди.

Нажот Ҳайдаров инсон тақдирининг бунчалик фожиали эканлигини қалбдан ҳис этар, мураккаб ҳаёт тарзининг қонуниятлари тагига етолмасди. Падари бузрукворининг порлоқ руҳини шод этиш йўлидаги онаси билан қилган саъй-ҳаракатлари бугун ўз мевасини берганидан хурсанд бўлса, буни кўролмай, армон билан ҳаётдан кўз юмган волидасини ёдлаб юрак-бағри ёнади. Унинг юз кўринишида, кўз қарашларида мунгли бир туйғу яширинган, ўзини қанчалик бамайлихотир кўрсатмасин, барибир қандайдир оғир бир дарддан қийналаётганлиги яққол сезилади.

Чунки оғир зулм остида оламдан кўз юмган отасининг қисмати Нажотга руҳий азоб берарди. Мақсуд Шайхзода, Усмон Юсупов, Фитрат назарига тушган бу пок инсон туҳмат ва бўҳтон қурбони бўлди.

Демократия ва ошкоралик етиб келган ҳозирги вақтда ўтган йўлимизга қайта назар ташлаш ҳуқуқига эга бўлдик. Ҳаётимиз нақадар аянчли ўтганлиги тобора яққол намоён бўляпти. Лекин Баҳром Ҳайдарий, унинг каби минглаб кишиларнинг хазон бўлган ёш умри, уларнинг жигарбандлари чеккан изтиробларига ҳеч қайси «оқлаш»лар малҳам бўлолмайди.

Инсоният тарихида қора кўланка сингари машъум из қолдирган бундай қабоҳат ҳеч қачон такрорланишига йўл қўймаслик ҳар бир соф виждонли кишининг муқаддас бурчи бўлмоғи даркор.

Қудрат ЖУРАЕВ.

РЎЗАДОРЛАР МАМНУН

Рамазон ойида кечалари ҳам ишлаб, рўзадорларга хизмат кўрсатиш шарқона анъаналардан бири.

Фарғона шаҳар марказий бозор ёнидаги оталар чойхонаси жамоаси шу ойда тунда ҳам ишлашга қарор қилди. Чойхонада шаҳарга келган рўзаоғиз меҳмонлар учун саҳарлик нонушта тайёрланади. Саҳарга иссиқ нон, қаймоқ, кабоб ва бошқа қуюқ-суюқ таомлар, турли ширинликлар тортилади. Ифторлик пайтида ҳам чойхонага келган рўзадорларга хилма-хил таомлар таклиф этилади. Ҳозир кунига 5—6 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинаяпти. Шаҳар умумий овқатланиш корхонаси раҳбарлари ташаббуси билан бошланган бу хайрли ишдан рўзадор отахон ва онахонлар жуда мамнун бўлмоқдалар. Тунги чойхонада намунали хизматни ташкил этишда «Ферганаинторг» ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Марғилон, Қўқон шаҳарларида ҳам шундай чойхоналар иш бошлади.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *СПОРТ*

МАРРАДА ИККИНЧИ

● **ТОШКЕНТЛИК моҳир югурувчи Марина Шмонина мавсумни кўтаринки руҳда ўтказмоқда.**

Бу спортчи МДҲ чемпионати, халқаро мусобақалар ва Европа биринчиликларида қатнашиб, мукофотли ўринларни олишга ҳаракат қилди. Куни кеча эса Олмониянинг Зиндельфинген шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада ўзи севган масофа — 400 метрга югуриб, 52,61 секундли натижа билан маррада иккинчи бўлди.

МАҒЛУБИЯТСИЗ ЎЙНАБ

● **ЖАҲОН чемпиони Гарри Каспаров энг моҳир шахматчи эканини намойиш этмоқда.**

У шу кунларда Испаниянинг Линарес шаҳрида ўтказилаётган халқаро турнирда пешқадамлик қилмоқда. Жаҳон чемпиони 11-тур учрашувини А. Юсупов билан ўтказиб, яна бир галабага эришди. Учрашувларни мағлубиятсиз давом эттираётган жаҳон чемпиони ҳисобида 8,5 очко тўпланди. У иккинчи ўринда бораётган Ян Тиммандан 1,5 очкога олдинда бормоқда.

ШАҲАР ЧЕМПИОНАТИ

● **САНКТ-ПЕТЕРБУРГ шаҳрида теннис бўйича очиқ чемпионат ўтказилди.**

Шаҳар биринчилиги учун уюштирилган бу мусобақада 60 дан зиёд спортчи иштирок этди. Тошкентлик Дмитрий Томашевич саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказиб, ҳал қилувчи ўйинда ереванлик Самвел Саргсянни мағлубиятга учратиб, шаҳар чемпиони бўлди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«СПОРТ МОЛЛАРИ» Республика улгуржи-чакана савдо бирлашмаси спорт йўналишидаги буюмлар билан савдо қилувчи саноат моллари дўконларининг кенг тармоғига эга. Айни пайтда барча турдаги озиқ-овқат молларини қабул қилиб олиш ва сотиш бўйича воситачилик бўлимлари очилган.

СИЗНИ РЕСПУБЛИКАНИНГ ҚУЙИДАГИ ШАҲАРЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН ДЎКОНЛАРИМИЗГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

1-дўкон — Тошкент шаҳри, Юсупов кўчаси, 2-уй.
2-дўкон — Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 16-уй.
3-дўкон — Тошкент шаҳри, Отчопар
4-дўкон — Чирчиқ шаҳри, Морозов кўчаси, 1-уй.
5-дўкон — Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 152-уй.
6-дўкон — Самарқанд шаҳри, Титов кўчаси, 134-уй.
7-дўкон — Бухоро шаҳри, Талабалар кўчаси, 2-уй.
8-дўкон — Андижон шаҳри, Пушкин кўчаси, 43-уй.
9-дўкон — Асака шаҳри, Коммунистик кўчаси, 32-уй.
10-дўкон — Наманган шаҳри, Ленин шоҳкўчаси, 3-уй.
11-дўкон — Фарғона шаҳри, Горький кўчаси, 29-уй.
12-дўкон — Қўқон шаҳри, Базилев кўчаси, 107-уй.
13-дўкон — Термиз шаҳри, 8 Март кўчаси, 14-уй.
14-дўкон — Тошкент шаҳри, Фарҳод ярмаркаси.
15-дўкон — Гулистон шаҳри, Калинин кўчаси, 70-уй.
16-дўкон — Урганч шаҳри, Кутузов кўчаси, 2 «а» уй.
17 дўкон — Нукус шаҳри, Татибоев кўчаси, 21-уй.
18-дўкон — Ангрен шаҳри, Ленин кўчаси, 6-уй.
19-дўкон — Марғилон шаҳри, Тинчлик кўчаси, 282-уй.
20-дўкон — Жиззаҳ шаҳри, Тошкент кўчаси, 11-уй.
21-дўкон — Оҳангарон шаҳри, 52-мавзе, 8-уй.
22-дўкон Тошкент шаҳри, Олмазор даҳаси, 15/3-уй.
23/1-дўкон — Нариманов шаҳри, Лихачев кўчаси, 6-уй.
24-дўкон — Қаттақўрғон шаҳри, Шавқий кўчаси, 100-уй.
25-дўкон — Навоий шаҳри, Ульянов кўчаси, 17-уй.
26-дўкон — Тошкент шаҳри, Юнусобод, 19-мавзе.
27-дўкон — Тошкент шаҳри, Юнусобод, колхоз бозори.
32-дўкон — Қарши шаҳри, Калинин кўчаси, 28-уй
34-дўкон — Олмалиқ шаҳри, Москва кўчаси.
42/2-дўкон — Тошкент шаҳри, Олой бозори.
44-дўкон — Бекобод шаҳри, 3-микрорайон, 19-уй.

"ФАЙЗ Лтд."
700003 Тошкент
Байналмилал кўчаси, 2-уй
Мулоқот телефонлари
45=45=56
45=43=56
Иссиқ нон
Бешёғоч майдони
Олмазор кўчаси
Байналмилал кўчаси, 2

●

Косон шаҳар савдо идораси томонидан дўкон мудири **Назаров Шамсиддинга** 1992 йил 26 февралдан 10 марттача муддатга берилган 431-сонли йўқолган

ИШОНЧ ВАРАҚАСИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги жамоаси шахсий нафақахўр

Заҳро Раҳимовна РАҲИМБОБОЕВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Сизда қандай янгиликлар бор?

КИЧИК КОРХОНАЛАР НЕЧТА?

● **Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхозда бир йўла тўртта кичик корхона очилди.**

«Олтинбошоқ», «Цитрус», «Бинокор», «Қизилтепа» деб аталган бу жамоалар ўзининг дастлабки маҳсулотлари билан истеъмолчиларни мамнун этмоқда.

«Олтинбошоқ» корхонаси аҳолидан сут, гўшт, жун, тери каби чорвачилик маҳсулотларини қабул қилиб олиб, қайта ишлайди ва аҳолига сотиш билан шуғулланади. «Цитрус» эса лимон кўчати тайёрлаб беради. «Бинокор» аҳолига қурилиш материаллари тайёрлаб, сотади. «Қизилтепа» кичик корхонаси эса аҳолидан мева қабул қилиб олиб, қайта ишлайди.

Ҳозир ана шу кичик корхоналарда 110 ишчи ўрни ҳозирлайди. Келгусида улар тўла қувват билан ишлагач, 500 кишини иш билан таъминлайди.

ПЎСТИН МУБОРАК

● **«Шўртангаз» газ конлари бошқармаси ҳузурида пўстин тикиш кичик корхонаси ишламоқда.**

Бу корхона аҳолидан тери қабул қилиб олиб пўстин тайёрлайди. Корхонада бор-йўғи 8 киши ишлаётир. Ўтган ойда 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб харидорларга етказилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г — 15.

№52.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.20. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.